Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 5 (8245). ● 6 январь, 1984 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

МАРТ 4 ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

ЮКСАК ИШОНЧ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда давом этмоқда. Совет кишилари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг энг муносиб вакилларини номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

«Ставропольнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бурғилаш ишлари Будённий бошқармасининг ер ости бойликлари проходкачилари бурғиловчи **Геннадий Николаевич Добринини** Будённий сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Сиктивкардаги нотўқима материаллар фабрикасининг меҳнатчилари корхонанинг елимлаш цехи звено бошлиғи **Сергей Иванович Рукавишниковни** Сиктивкар сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Куйбишевдаги «Завод имени Масленникова» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бирлашманинг бош директори **Александр Васильевич Курбатовни** Совет сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига ўз номзоди қилиб кўрсатди.

Пермдаги Я. М. Свердлов номли «Моторостроитель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу корхонанинг инженери **Павел Александрович Соловьевни** Свердловск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Коряклар автоном округидаги «Тигильский» совхозининг ишчилари бугучилик звеносининг бошлиғи **Анатолий Айевич Акеевни** коряклар сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Чукотканинг биринчи революцион комитети номли бугучилик совхозининг меҳнатчилари халқ депутатлари Чукотка округ совети ижроия комитетининг раиси **Надежда Павловна Откени** Чукотка сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Киев областидаги Бровари порошок металлургияси заводининг коллективи бош авиаконструктор, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Олег Константинович Антоновни** Украина ССР Киев-Святошинск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Сумидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли электрон микроскоплар заводида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари корхона монтажчиси **Любовь Александровна Бондаренкони** Суми сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Черкасси областидаги Ленин номли совхоз меҳнатчилари механизациялашган звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Николай Васильевич Прихнони** Черкасси сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

КПСС XXV съезди номли Урганч пиллакашлик фабрикасининг меҳнатчилари СССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга ғаррр қилдилар.

Зестафонидаги ферроқотишмалар заводининг коллективи эритувчи **Вахтанг Иванович Арабидзени** Грузия ССР Зестафони сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Абхазия АССР, Очамчире районидаги Н. А. Лакоб номли колхознинг меҳнатчилари шу хўжаликнинг чойкори **Лариса Беговна Лакербаяни** Очамчире қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Литва ССР Шилуте районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг деҳқонлари хўжалик директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Зигмантас Станиславович Докшасни** Таураги сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Вильнюс механика заводи коллективининг йиғилишида йиғувчи-слесарь комсомол **Светлана Валерьяновна Хохланова** Литва ССР Вильнюс-Дзержинский сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Сорокидаги механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари тажриба заводининг меҳнатчилари шу корхонанинг ишчиси **Анна Павловна Кучерни** Молдавия ССР Сороки сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига ўз номзоди қилиб кўрсатдилар.

Молдавия ССРдаги «Бозиени» совхоз-заводининг коллективи ўз йиғилишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Иван Иванович Бодюлни** Котовский сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Қирғизистон ССРдаги Тўқмоқ нон заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу корхонанинг новвой-устаси комсомол аъзоси **Наталья Владимировна Семашкони** Тўқмоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

«Қизилқия» шахта бошқармасига қарашли Ленин комсомоли номли шахта кончилари шахта тозалаш забойи кон ишчилари звено бошлиғи **Абдуғани Қоратоевич Абдуқодировни** Қирғизистон ССР Қизилқия сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Тожикистон ССР, Кўлоб область, Восе районидаги Ленин номли колхоз коллективи, шу хўжаликнинг механизатори **Гулнор Бойматовна Рўзиевани** Кўлоб сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига ўз номзоди этиб кўрсатди.

В. И. Ленин номидаги Қайроққум гилам тўқиш бирлашмаси тайёрлов цехининг танда қўювчиси **Нагалья Иосифовна Багина** Тожикистон ССР Қайроққум сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Арманистон ССРдаги «Камокабель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР Министрлар Совети ишлар мудири **Михаил Сергеевич Смиртюковни** Камо номидаги сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Туркманистон ССР, Тошовуз областидаги «Тезе ел» колхози меҳнатчиларининг йиғилиши юксак аётлик вазиятида ўтди. Йиғилиш қатнашчилари шу хўжалик аъзоси **Эжекгуль Аразовани** Илали сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советига номзод этиб кўрсатилишини таклиф қилдилар.

(ТАСС — ЎзТАГ).

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КЕЧА ҚИЛИНГАН ШУ МАСАЛАДАГИ ЛОЙИҲАСИ КУТИБ ОЛИНДИ

МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАБ

Пойтахтимиздаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини маъқуллаб кутиб олдилар.

Суратда: (чапдан ўнгга) методист Н. Солиҳўжаева, бошланғич ҳарбий таълим кабинети методисти В. Поляков, кабинет мудири М. Раҳимова ва педагог О. Лебахинлар лойиҳа билан танишмоқдалар.

В. Портнов фотоси.

Билим ва ҳунар

Барча совет кишилари, педагоглар қатори мактабимиз ўқитувчилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси билан қизиқиб танишмоқдалар. Ҳозирнинг ўзида педагогларимиз бу ўз вақтида амалга оширилаётган жуда муҳим тадбир деб ҳисобламоқдалар. Чунки ривожланган социалистик жамиятимизни планли равишда ҳар тарафлама такомиллаштириш, инсоннинг ижодий активлигини янада ошириш совет мактаби олдига улкан ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Совет мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида ўқувчиларнинг пухта билим олишини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг касб-ҳунар ўрганишларини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилаётганлиги айниқса диққатга сазовордир. Ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар мустақил ҳаётга бирор касбни эгаллаган ҳолда қадам қўйишларига эришиш жуда муҳим вазифадир.

Биз «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини умуман маъқуллаб, Коммунистик партия ва давлатимизнинг совет мактаби тўғрисида қилаётган ғамхўрликларидан чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу тадбирда белгиланаётган режаларни изчил амалга ошириш учун билим ва тажрибамизни, куч-ғайратимизни аямаймиз.

Х. НАБИЕВ,
Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 85-ўрта мактаб директори.

ҲАММАМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ҳақидаги КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси билан танишар экан, ман айнан кўпчиликнинг дилидаги гаплар амалга ошаётганлигини чуқур ҳис этдим. КПСС Марказий Комитети бу лойиҳани умумхалқ муҳокамасига тақдим этганлиги янада қувончлидир. Чунки, ҳаёт тажрибасига эга, педагогика билан ўз умрини боғлаган кўпгина ветеранларимиз, ишлаб чиқариш илғорлари янада қимматлироқ таклифлар киритишлари аниқ. Бу эса умум ишимиз учун катта фойда келтириши шубҳасиз.

Мен лойиҳа билан танишар эканман, айниқса, меҳнат коллективларининг ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва тарбиялашдаги роли ва масъулияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган 22- ва 23-бандларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш коллективлари ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва тарбиялашда бевосита ва актив иштирок этмоқлари жуда зарурдир. Бу, аввало, уларнинг ўзларига, қолаверса ёшларга келгусида катта фойда беради.

Ҳамма гап шундаки, ўқувчилар мактаб ёки ҳунар-техника билим юртларида қанчалик пухта ўқитилмасинлар, уларда амалий тажриба, кўникма етишмаслиги аниқ. Ана шундай кезларда ҳунар-техника билим юртини ҳатто қизил диплом билан тугаллаган талабалар корхонага келгач ўртамиёна ишчига айланиб қолишлари кимни ташвишлантирмайди, дейсиз. Бунда меҳнат коллективларининг айби ҳам йўқ эмас. Зотан, ҳар бир билим юртини ўз оталиғига олган корхона ишчилари ўқувчиларга амалий кўникма беришга ва уларни астасекин меҳнатга тайёрлаб боришга мажбурдирлар. Шундагина бугунги талаба эртага ўзи учун мутлақо нотаниш бўлган цехга эмас, ўзи учун яқин бўлган коллективга келиб ишга тезда киришиб кетади.

Шу ўринда мураббийчилик ҳаракати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Мактаб ёки ҳунар-техника билим юртларидаги таълим-тарбия ишлари педагоглар учун қанчалик машаққатли бўлса, ишлаб чиқариш коллективларидаги ёшларга ҳунар ўргатиш ҳам мураббийлар учун шунчалик оғир. Шундай экан мастер, бригада бошлиғи, ишчи ёки хизматчиларни мураббийчилик ҳаракатидаги меҳнат ютуқлари учун ҳар томонлама рағбатлантиришни, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлашни йўлга қўйиш муҳим деб ўйлайман.

А. ЭРКАБОЕВ,
Ангрендаги резина-техника заводининг ишчиси.

«Госкомсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмаси коллективи бу йил область хўжаликларидан фахрий буюртма олган. Бирлашма устахоналарида 1200 чопиқ тракторн капитал ремонтдан чиқарилади. Айни кунларда ишчи-хизматчилар бу масъулиятли вазифани муваффақиятли амалга оширишяпти.

Суратларда: (юқорида чапдан) назоратчи мастер Умар Улуғхўжаев ва инженер-технолог Комил Такуднновлар ремонтдан чиқарилган навбатдаги тракторни кўздан кечиришяпти; (пастда) Тажрибали слесарь Исроил Одилов. У кунлик нормасини 130—135 процентга адо этяпти.

В. Сироткин фотолари.

ТИНЧЛИК УЧУН, КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА

ПРАГА, 4 январь. (ТАСС). Революционер, коммунистнинг ҳаёти курашчининг ҳаётидир. Бу ҳаёт кишиларнинг яхшироқ яшаши учун, социализм ва коммунизм учун, ижтимоий тараққиёт учун тинимсиз, баъзан жуда машаққатли кураш билан тўлиб-тошгандир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг ҳаёти мана шундайдир, деб ёзади «Руде право» газетаси. «Свобода» нашриёти чех тилига таржима қилиб чиқарган, шунингдек «Правда» нашриётида словак тилида чиқарилган унинг мақолалари ва нутқлари тўпламни шундан далолат беради. Китоб 1942 йилдан то 1983 йил сентябригача бўлган 40 йилдан кўпроқ давр мобайнидаги нутқлар ва мақолаларни ўз ичига олган. Шу нутқлар ва мақолаларнинг автори комсомол раҳбари ёки КПСС Марказий Комитети аппаратининг ходими, дипломат ёки СССР Давлат хавфсизлиги Комитетининг Раиси, кейинчалик эса КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўзи шуғулланиб келган кундалик фаолиятининг мазмунинигина кўрсатиб қолмай, шу билан бирга Ленин партиясининг сиёсатини рўёбга чиқариш учун, партия съездларининг ва Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш учун олиб борилаётган доимий курашни ҳам акс эттиради.

Нутқлар ва мақолаларда нацист агрессорга қарши, урушдан кейинги тикланиш учун, совет экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини ошириш учун курашда бутун халқ бирлигини, унинг барча кучларини жипслаштириш соҳасида КПССнинг кўп томонлама фаолияти ўз ифодасини топди.

Ю. В. Андропов КПССнинг ишига, партия ва давлат органларининг фаолиятига ҳар томонлама ҳисса қўшди. Совет халқи, бутун дунёдаги илғор кишилар уни КПСС XXVI съездининг тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошириб, уни янада ривожлантираётган сиёсатчи ва давлат арбоби деб, ленинча ташқи сиёсат илҳомчиси ва тарғиботчиси деб биладилар. Бутун тараққиёпарвар инсоннят кўз ўнгида Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини баланд кўтараётган бу сиёсат биринчи социалистик мамлакат дунёга келган дастлабки кунларданоқ Ленининг сулҳ тўғрисидаги машҳур декретидан бошлаб унинг тақдири билан чамбарчас боғланган бўлиб, социализм моҳиятининг ўзини ифода этади.

Халқаро муносабатларга баҳо беришга реалистик ёндашув, шунингдек Совет Иттифоқида коммунизм қурилиши натижаларига баҳо беришга принципиал ёндашув ўртоқ Андропов нутқларига хос хусусиятдир. Бу нутқлар ўртоқ Андроповнинг совет жамиятини тобора ривожлантириш талабларига мос келадиган янги вазифаларни чуқур ўйлаб, олга сура олиш қобилиятини кўрсатади. Унинг нутқлари ғарнхий оптимизм руҳи билан, меҳнаткаш инсонга, реал социализм ва бутун халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг кучига ишонч ва ҳурмат руҳи билан тўлиб тошгандир.

Ю. В. Андроповнинг фаолияти ғоят хилма-хил, деб ёзади сўнгра «Руде право» газетаси, аммо ундаги бир соҳа алоҳида ўринни эгаллайди — у ҳам бўлса ядро урши хавфининг олдини олиш учун, мустаҳкам тинчлик учун, урушлар ва қуролланиш пойгаси барҳам топадиган дунё учун курашдир. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсати — тинчлик сиёсатидир. Ўртоқ Ю. В. Андропов бир неча марта таъкидлаганидек, Ленининг уруш ва тинчлик тўғрисидаги таълимотининг энг муҳим жиҳати — тинчлик ва социализмнинг узвий бирлиги тўғрисидаги ғоядир. Бу ғоя янги жамият урушга муҳтож эмас, уруш унинг барча манфаатлари ва идеалларига зиддир, деган фикрдан келиб чиқади. Уруш ва тинчлик масаласи бутун-бутун халқлар учун, инсоннят цивилизациясининг ўзи учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолган бугунги кунда Ленининг ана шу ғояси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Руде право» газетаси сўнгра қуйидагиларни таъкидлайди: совет коммунистлари бизнинг сиёсатимиз — тинчлик сиёсатидир, демоқдалар. Аммо бу гап Совет Иттифоқи ва Варшава Шартномасидаги бошқа мамлакатлар янги ядро уруши хавфидан ғафлатда қолишига йўл қўямиз деган маънони билдирмайди. Ҳозир амалга оширилаётган жавоб чораларини СССР ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигининг ҳаётий манфаатлари тақозо этмоқда. Ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш шундай чоралар кўришни зарур қилиб қўйди. Океаннинг у томонидаги авантюрачилар «чекланган» ядро урушида ғалаба қозонишга муваффақ бўламиз, деган умидда уларнинг биринчи зарба уриш имкониятидан маҳрум қилиш ана шу чораларнинг моҳиятидир.

Гап истисносиз барча давлатлар ва халқларга таҳдид қилаётган жаҳоншумул ядровий можаронинг олдини олиш тўғрисида бормоқда, деб ёзади «Руде право» газетаси. Бу леннича сиёсатнинг тинчлик принципларига батамом мос келади. Совет ташқи сиёсатининг конкрет тадбирлари ижтимоий тараққиёт ғалабасига, тинчлик кучларининг уруш ва реакция кучлари устидан ғалабасига бўлган чуқур ишонч асосланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шахсан ўртоқ Андропов мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаётган ҳамда совет халқининг турмуш ва маданият даражасини муттасил ошириш имконини берадиган халқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Ю. В. Андропов нутқлари ва мақолаларининг мазкур тўплами шундан далолат беради. Аввало меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ вазифалар унинг диққат марказидадир.

Тўпламдаги кўпгина мақолалар ва нутқларда ўртоқ Андропов социалистик демократияни ривожлантириш, партия, советлар, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти проблемалари билан шуғулланади. Бунда у Ленининг социалистик жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиш ўз формасидан қатъий назар ҳамиша меҳнаткашларнинг энг зарур манфаатларини ифода этиши, кенг социал негизга, ҳар томонлама синфий иттифоқларга таяниши ҳамда социалистик ўзгартишлар жараёнига жамиятнинг барча илғор ва софдил кучларини жалб этиши керак, деган ғоясини биринчи ўринга қўяди.

Совет Иттифоқида ривожланган социалистик жамият қурилди, деб ёзади сўнгра «Руде право» газетаси. Бу эса жамиятнинг шундай етук босқичга эришилганики, бу босқичда ҳаётнинг барча соҳаларида социализм афзалликлари намоён бўлмоқда, деган маънони билдиради. Социалистик демократизмнинг юксак даражада эканлиги шу ижтимоий муносабатларнинг узвий бир қисмидир.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг тажрибали отряди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет жамиятини тараққий эттириш илҳомчиси ва ташкилотчиси, унинг етакчи кучи ва авангардидир. Совет коммунистлари коммунистик қурилишнинг тобора мураккаброқ вазифаларини ҳал эта борганлари сари партиянинг роли ҳам оша беради. Бу асло социалистик демократияни чеклашга эмас, балки аксинча, уни янада чуқурлаштириб, юксак даражага кўтаради.

Провардида «Руде право» газетаси қуйидагиларни ёзади: ҳар бир китоб айни вақтда ўз муаллифи тўғрисида ҳикоя қилади. Юрий Владимирович Андроповнинг танланган нутқлари ва мақолалари унинг шахсини, инсоний фазилатлари ва сиёсий маҳоратини, ташкилотчилик қобилиятлари ва назарий фикрларини, унинг кишиларга принципиал ва айни вақтда меҳрибонлик билан ёндашувини яққол кўрсатади.

Ю. В. Андропов мақолалари тўплами китобхонларимизга билим ва тажрибанинг ғоят катта бойлигини беради, ана шу билим ва тажриба Чехословакия социалистик экономикасини, маданиятини ҳамда турмушимизнинг бошқа соҳаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш манфаатлари йўлида жамиятимиз шароитида амалий равишда рўёбга чиқарилади.

Мазкур китоб билан танишув ниҳоятда фойдали ва актуалдир. Бу китоб ижтимоий тараққиёт кучига ва унинг енгилмаслигига ишонч ҳамда чуқур эътиқод билан ёзилган.

Область XXI партия конференцияси олдидан

ЭГАЛЛАНГАН МАРРА — ЧЕГАРА ЭМАС

Қаҳрамон халқимиз беш йилликнинг тўртинчи йилига яхши ниятлар билан қадам қўйди. Бу йил коммунистик бунёдкорликда яна бир муҳим босқич бўлиши табиийдир. Янги йил арафасида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи текстида баён этилган қоида ва хулосалар, СССР Олий Совети сессияси қабул қилган қонунлар мамлакат экономикаси ва маданиятини янада барқ урдириб ривожлантиришда, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги курашимизда ҳозир биз учун жанговар программа бўлиб хизмат қилмоқда. Бутун эътибор ўтган йили эришилган ютуқларини янада мустаҳкамлашга, 1984 йилда қўйилган улуғвор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилгандир.

Ўтган йил натижалари анча салмоқли бўлди.

Республикамизда пахта тайёрлаш йиллик плани ортиғи билан адо этилди. Уйилган бу катта хирмонда — 68 минг тонна Бекобод дурдонаси ҳам борлигидан фахрланамиз.

Район бўйича ҳар гектар ердан 30,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Машъал Ленин номли колхозда бу кўрсаткич 40 центнерни ташкил қилди. «Далварзин», «КПСС XXV съезди» совхозлари меҳнаткашлари ҳам пешқадамликни қўлдан беришмади. Ҳосилдорликни 34—35 центнерга етказишди.

Ўтган йилги қийин шароитда республикада хизмат кўрсатган пахтакор Бобохон Отахонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзиматова бошлиқ бригадалар коллективи 65 центнердан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абубашар Усмонов раҳбарлигидаги бригада эса 60 центнердан ҳосил кўтарди. Бу ташаббускорлар изидан борган 5 та бригада коллективи 60—65 центнерлик, 7 та бригада коллективи 55—60 центнерлик, 10 та бригада коллективи 50—55 центнерлик, 15 та бригада коллективи эса 45—50 центнерлик маррани забт этди.

Бу ютуқларда С. Нозимов, Р. Алимов, А. Отавалиев, А. Қаюмов, О. Саъдуллаев, М. Бекмуродов сингари донгдор механизаторларимизнинг катта ҳиссалари бор. Улар йил бўйи экинларга агротехника қоидалари асосида ишлов беришди, илғорлар тажрибасидан тадбиркорлик билан фойдаланишди, ғўза дефолиациясини табақалаштирилган усулда ўтказишди. Йиғим-терим мавсуми механизаторларимиздан масъулиятни янада оширишни талаб этди. Шунга мувофиқ барча пайкалларда ҳосилнинг пишиб етилишини аниқ ҳисобга олиб, пахтани саралаб теришга алоҳида аҳамият бердилар. Натижада «зангори кема»лар бункерларидан 150—200 тоннадан дурдона тўкиб, 450 нафар механизатор ўртасидаги меҳнат беллашувида ғолиб чиқдилар. Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли давлатга етказиб берилган ҳосилнинг 52 минг тоннадан ортиқроғи ёки 81,5 проценти юқори сортларга топширилди. Бу пахтани ГОСТ қоидалари бўйича қабул қилиш жорий этилган бир пайтда кўплаб қўшимча даромад олиш имконини берди.

Маълумки, деҳқон пешона тери эвазига етиштирган ҳосилини териб олишда ҳамиша беминнат ҳашарчиларнинг ёрдамига таянади. Ўтган йил ҳам қалб амри билан далага отланган Паркент райони, Бекобод шаҳри, пойтахтимизнинг Ленин, Ҳамза районлари ишчи-хизматчилари, районимиз мактабларининг ўқувчилари, ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг ходимлари, пенсионер отахон ва онахонлар пахтакорларимизга мададкор бўлишди. Бу ўринда партиянинг жанговар резерви ва содиқ ёрдамчиси бўлмиш комсомол-ёшлар жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳосил тақдири ҳал бўлаётган энг қизғин дамларда комсомоллардан ташкил топган «Педагог-1», «Педагог-2», «Битовик-83», «Медик-83», «Дорожник-83» каби ўнлаб зарбдор терим отрядлари энг юқори суръатга эришиб, ёшларга хос ибрат намуналарини кўрсатдилар.

Район партия комитети мавсум давомида йиғим-терим суръатини ошириш, техника ва ишчи кучидан самарали фойдаланиш, омма онглилигини ўстиришга алоҳида аҳамият берди. Бу жиҳатдан, теримни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича Ленин номли колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамкорликда ишлаб чиққан тадбирлар диққатга сазовор бўлди. Шу ташаббус асосида район хўжаликларида 53 та терим—транспорт отряди тузилди. Улар составига механик, махсус жиҳозланган кўчма устахона, техника назоратчиси, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи кичик коллектив киритилди. Отряд аъзоларига ўз ихтиёрларидаги машиналардан унумли фойдаланиш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар бериб борилди.

Иш унумининг юқори бўлишини таъминлашда механизаторлар ва транспорт трактори ҳайдовчиларига ҳақ тўлашнинг ўзига хос системаси ишлаб чиқилганлиги ижобий самара берди. 14ХВ-1,8 маркали машина ҳайдовчилари учун кунлик пахта териш нормаси 2,2 тонна қилиб белгиланди. Ҳар бир тонна пахта учун 8 сўм 44 тийиндан 9 сўм 03 тийингача ҳақ тўлаб борилди.

Район партия комитети дала меҳнаткашларининг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш устида алоҳида ғамхўрлик қилди. Хўжаликлардаги 319 та дала шийпонининг барчаси намунали жиҳозланди. Шийпонларнинг 260 таси газлаштирилди, 100 дан ортиғи электрлаштирилди. Шийпонларда ташкил қилинган 210 та кутубхона фонди ранг-баранг мавзудаги асарлар билан бойитилди. Жанговар варақаларда, деворий газеталар ва мусобақа экранларида теримнинг бориши ўз аксини топди.

Мавсум давомида район «Билим» жамияти лекторлари, хўжаликларнинг идеология кадрлари ўз ўринларини терим қатнашчилари даврасида деб билишди. Оммавий-сиёсий ишларга жалб этилган 1460 дан ортиқ агитатор, 1270 га яқин сиёсий ахборотчи, 32 нафар тажрибали лекторларнинг партия ва ҳукуматимизнинг ташқи сиёсатига, халқаро ҳаётга оид темаларда ўқиган лекция ва суҳбатлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғим-терим ишлари қизғин тус олган кезларда пахтакорларга бевосита даланинг ўзида маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилди. Районимиздаги даволаш пунктларида ишлаётган 96 врач, 400 га яқин медицина ходими теримчиларга зарур тиббий ёрдам кўрсатдилар. Дала шийпонларида 45 та сотувчисиз дўкон, 8 та кўчма магазин, 3 та маиший хизмат кўрсатиш машинаси узлуксиз ишлаб турди. Район маданият уйи ходимлари ва қишлоқ бадиий ҳаваскорларидан иборат 6 та бадиий ҳаваскорлик коллективи ҳамда 5 та агитбригада аъзолари доимий равишда тушки дам олиш соатларида ранг-баранг концерт программаларини намойиш этдилар.

Район партия комитети раҳбарлиги остида амалга оширилган бу ишларнинг барчаси 68 минг тонналик Бекобод хирмонини яратишда муҳим омил бўлди. Эришилган марра чегара эмас. Бу йилги режаларимиз ҳар қачонгидан каттароқ. Шунинг учун барчанинг диққат-эътибори қишки тадбирларни муваффақиятли ўтказишга ва мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишга қаратилгандир.

Э. ҲАТАМОВ,
Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари.

«ДЎСТЛИК»ДАГИ ТАШАББУСКОРЛАР

80-ЙИЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ

Мусахон хона бурчагида турган Қизил байроқни аста ёйди.

— Совхозники, 1983 йилдан бизга эсдалик бўлиб қолади, — деди у. — Мавсумда кетма-кет уч марта олганимиздан сўнг бўлимда доимий сақлаш учун қолдиришди.

Қизиқ, 1982 йил шу бўлимда пахта тайёрлаш плани 88 процентда қолиб кетган эди. Аранг 22 центнердан ҳосил олинди. 1983 йилда эса план 110 процентдан ҳам ошириб адо этилди. Ҳосилдорлик 41 центнерга етди. Мавсумда бўлим ишчилари уч марта совхоз кўчма Қизил байроғини, икки марта район кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Ҳар гал байроқ тақдим этилганида далада байрам бўлиб кетарди. Мусахон шунда ич-ичидан қувонар, пахтачиликка ўтиб ишлаётганидан мамнун бўлар эди.

Мусахон илгари сут қабул қилиш пунктининг мудири бўлиб ишларди. Совхоз директори область XXI партия конференцияси делегати Рустам Иброҳимович Каримов билан у ўша кезларда яқиндан танишиб қолган эди. Унда Рустам ака район ижроия комитети раиси эди. Тайёрланаётган сутга у жавоб берарди. Раис пункт мудири билан бир неча бор суҳбатда бўлиб, кўпгина муаммоларни биргалашиб ҳал этишганди. Мусахондаги зийраклик, уддабуронлик раисга ўша кезларда ёқиб қолган эди.

1983 йил бошида Рустам ака «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига директор қилиб тайинлангач, кадрларни бир ғалвирга солиб кўрди. Кўплари янги раҳбарнинг талабларига дош беролмади. «Дўстлик» бўлими бошқарувчиси Солижон Ҳакимов ҳам ўшанда тинчроқ жойни қидириб қолди. Директор йўқ демади. Жондили билан ишлашни истамаган кишиларни зўрламади. Фидокор, жонкуяр кишиларни излади. Уларни ўзи топиб ишга таклиф этди.

Мусахон ҳам ўшанда янги директорнинг юзидан ўтолмай хўп деб қўйди-ю, кейин кўнгли бироз хижил бўлиб юрди.

— Ахир мен зоотехник бўлсам, қандай қилиб пахтачилик бўлимига раҳбарлик қиламан, — деб ўйларди у. — Яна бу совхознинг энг катта бўлими бўлса. 600 гектардан ортиқ ери бор. Шу бўлим планни бажармаса совхоз ҳам осилиб ётаверади. Ахир 1982 йили шундай бўлди-ку. Ишқилиб бу йил омадимизни берсин, қадамимиз қутлуғ келсинда.

Мусахон кейин яна ўз-ўзига далда берди.

— Ота-онам пахтакор ўтган, суягим пахтазорда қотган. Шу қишлоқнинг фарзандиман. Одамлар менга, мен одамларга бегона эмасман. Бири акам, бири укам. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак кузда уялиб қолмасмиз, ахир.

Мусахон хаёл билан бўлиб хонага бригада бошлиғи Ҳабибулла Ғуломовнинг кириб келганини ҳам сезмай қолди. Ҳабибулла аканинг бўлимда қилмаган иши қолмаган ҳисоб. Мактабни тамомлагандан бери далада. Кетмон ҳам чопди, ҳисобчилик ҳам қилди. Орада Тошкент қишлоқ хўжалик техникумини тамомлади. Бригадир, бўлим агрономи бўлиб ишлади. Ҳозир яна бригада бошлиғи, цех партия ташкилотининг секретари. Бўлим ерларини қаричма-қарич билади. Ғўза ниманинг талаб қилаётганини рангига қараб айтиб беради. Ўзи бир сўзли одам. Ноҳақликни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам бўлса керак олдинги бошлиқларга унчалик ёқинқирамасди.

Мусахон ҳозир уни кўрди-ю, бир парча олтин топиб олгандай қувониб кетди. Иккалови хонада узоқ вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Гап айланиб, ерга, уруғга, одамларга келиб тақалди.

— Сезган бўлсангиз ўтган йили катта йўлнинг нариги бетидаги карталарда ҳосил кам бўлди, — деди бригадир. — Нега десангиз сув етишмади. Биласиз, ғўза сув билан тирик. Бу йил ҳам сув тақчил бўлади, дейишаяпти. Шунинг учун этакдаги зовурни очиш керак. Олдинги раҳбарлар уни кўмиб ташлаб, нотўғри қилишди. Зовурга иккита насос ўрнатамиз, йиғилган сувни шу насослар карта бошига узатиб бераверади. Зовурнинг суви билан бемалол иккита бригаданинг ерини суғориш мумкин.

Ҳабибулла ака шунга ўхшаш яна уч-тўртта конкрет таклифларни ўртага ташлади. Ҳамма гапида жон бор эди. Мусахон уларни дафтарчасига ёзиб қўйдида, кейин директор билан учрашганида ҳаммасини бир-бир айтиб берди.

— Сен Ҳабибуллага ўхшаш ишнинг кўзини биладиган коммунистларга суян,— деди директор. — Уларнинг таклифини эътиборсиз қолдирма. Ўзингча таҳлил қил, кўпчиликнинг муҳокамасига қўй. Шунда ишнинг олға босади.

Ҳабибулла ака бўлим агрономи қилиб тайинлангач Мусахоннинг ташвишлари анча енгиллашди. Ҳамма ишни биргалашиб ҳал этадиган бўлди. Маслаҳат билан эрта баҳорда зовур очиб, насос ўрнатишди. Ерларни ўғитга тўйдиришди, текислашди.

Ёзнинг жазирама кунларида насослар жуда ҳам иш берди. Ғўзаларга одатдагидек уч марта эмас, беш-олти марта сув берилди. Эрта баҳорда ола-тароқ бўлиб қолган ғўзалар парваришнинг зўри билан тўлишиб кетди, дуркун, сершох бўлиб ўсди.

Терим олдидан бўлим цех партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бўлим бошқарувчиси, коммунист Мусахон Аҳмедов йиғим-терим мавсумини тез ва сифатли ўтказиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида доклад қилди.

Коммунистлар таклифи билан иккита терим-транспорт отряди тузилди, бешта бригадага комиссарлар тайинланди.

Йиғилиш қарори билан ҳар беш кунда теримга якун ясаб борилди. Бўлим цех партия ташкилоти ҳисобидаги 18 коммунистнинг ҳаммаси бевосита теримда бўлди, оммага етакчилик қилди. Коммунист Айдар Хайриддинов бошлиқ бригада аъзолари мавсум давомида пешқадамликни қўлдан бермади. Азаматлар 156 гектар майдондан 660 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиб маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Ҳосилдорлик салкам 43 центнерга етди. Ислом Жиналиев, Мамед Харидич, Исмоил Куртаметов каби моҳир механик-ҳайдовчилар «зангори кема» бункерларидан 130—140 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

«Дўстлик» бўлими совхозда иккинчи бўлиб планни бажарди. Бир кун олдин Абдулла Чачи бошлиқ 5-бўлим ишчилари 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олиб, план бажарилганлиги тўғрисида рапорт беришган эди.

— Планни бажаришда иккинчи бўлдик. Ҳамма билади, бўлимимизнинг юки оғир, еримиз катта, — деди Мусахон Аҳмедов ўз коллективига мурожаат қилиб. — Энди бутун кучни социалистик мажбуриятни биринчи бўлиб бажаришга сафарбар этайлик. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор.

Бўлим бошқарувчисининг сўзлари одамлар қалбига ўт ёққандек бўлди. Икки кун ўтмай «Дўстлик» бўлими Абдулла Чачи бошлиқ 5-бўлимдан ўтиб кетди. Совхозда биринчи бўлиб 40 центнерлик марра эгалланди ва оширилган мажбурият ҳисобига ҳосил топширила бошланди.

...Кеч кузгача пахтакорлар билан гавжум бўлган бепоён далалар бугун қиш уйқусида. Ер куч йиғяпти. Янги йилда бу карталардан уйиладиган «оқ олтин» хирмонлари яна ҳам баланд бўлса ажаб эмас. Чунки унинг бошида ер илмини пухта биладиган ташкилотчи ва фидокор кишилар турищибди.

Ж. НОСИРОВ.
Ғалаба райони.

ВАҚТДАН ЎЗИБ ИШЛАЁТГАНЛАР

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш юзасидан бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёздирилди. Ҳар бир ишчи бу меҳнат беллашувига актив киришиб, графикдан ўзиб ишлашга эришяпти. Айниқса, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жалил Розиқов (юқорида) ва техника назорат бўлимининг ишчиси Гулсара Ғиёсовалар бошқаларга ибрат бўлишяпти.

В. Портнов фотолари.

КОЛХОЗ РАИСИНИНГ МАДАНИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ФАОЛИЯТИДАН

МАДАНИЙ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ

«Октябрь 40 йиллиги» колхози партия ташкилотининг секретари Ҳ. Акромов бир кишини имлаб чақирди.

— Танишинглар, Абдуллажон Ёқубов бўладилар, маданий-маиший ишлар бўйича раис ўринбосари.

— Нима ҳаракат Абдулла ака?

— Ҳов, анави катта бинони кўряпсизми, моллар учун қишки комплекс, мана бу рўпарангиздаги бино эса озуқа омбори, шу ердан то қишки комплексгача асфальтлаб борамиз, бўлмаса лойгарчиликда юриб бўлмай қолади.

— Сизни шу ерда учратганимиз жуда яхши бўлдида. Фермани ҳам кўрдик.

Абдулла ака асли чинозлик, шу қишлоқда туғилган, касби эса қурувчи. У 13 йил қурувчилар бригадири бўлиб ишлади. Жонкуярлиги, ташаббускорлигини билиб, уч йил бурун колхозга, раисга ўринбосарликка чақиришди.

У колхозга келганидан буён анча-мунча ишлар қилинди. Ленин номли кўча кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди. Дарахтлар ўтқазилди, тунги чироқлар ўрнатилди. Колхоз марказида янги магазин ва дорихона қурилди. Бу дорихона Чиноз райони бўйича энг яхши тиббий муассасалардан ҳисобланади. Яна уч кўча ободонлаштирилиши ва маиший хизмат кўрсатиш уйи қурилиши кўзда тутилган. Колхозда иккита мактаб, иккита болалар боғчаси, ёзги ва қишки кинотеатр, клуб ва касалхона ишлаб турибди.

— Пахта йиғим-терими даврида колхозчилар хизматида бўлдик, — дейди Абдулла ака, — ҳар куни уларга янги газета ва журналлар етказиб турдик. Бригадаларимизда саккизта дала шийпони бор, уларнинг ҳаммаси кўркам ва шинам қилиб, пишиқ ғиштлардан қурилган. Пахтакорлар учун сотувчисиз дўконлар мудом ишлаб турди. Телевизор, радиоприёмник, холодильник ва кўчма кутубхоналар ҳар бир дала шийпонида бор.

Колхозимизда спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Унга Абдуҳамид Абдулладзе раҳбарлик қилади. Шахмат-шашка, футбол, волейбол тўгараклари бор. Спортнинг мана шу турлари бўйича бригадалараро, колхозлараро ва район мусобақаларида қатнашаяпмиз.

Абдулла Ёқубов колхоз бадиий ҳаваскорлик ансамбли ҳақида ҳам тўлқинланиб гапирди. Ёш ҳаваскорларнинг бири сут соғувчи бўлса, бири пахтакор, бири ферма ишчиси, яна бири эса донгдор механизатор. Клуб мудири Абдужалол Болтабоев ҳаваскорлар даврасини тобора кенгайтиришга ҳаракат қилади. Клуб қошида иккита кутубхона мавжуд. Кутубхоналарнинг ишини колхоз партия комитети назорат қилиб туради, аниқ мақсад сари йўналтиради. Бу йил колхозда ёзувчилар, санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар, «Ёш оилалар даврасида» деган баҳслар ўтказилди. Бунда китобхонлар ҳам кутубхона ходимлари қатори актив иштирок этдилар.

Колхозда кишиларнинг турмуш маданиятини ошириш, уларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг ҳаммасида раис ўринбосарининг салмоқли ҳиссаси бор. У партия ва ҳукуматимизнинг меҳнаткашлар турмушини тобора яхшилаш тўғрисидаги талаблари асосида, колхоз правлениеси, хўжалик активлари, депутатлар эътиборини, одамларнинг маънавий камолотига, колхознинг кундан-кун гўзаллашиб боришига қаратмоқда.

М. ШАРИПОВА.
Чиноз райони.

Жаҳон янгиликлари

САЛЬВАДОР ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ЗАРБАЛАРИ

САН-ХОСЕ. Сальвадорнинг ватанпарвар кучлари Кускатлан департаментида муваффақиятли операция ўтказдилар. Улар Панамерика тош йўлида Лампа дарёси устидаги стратегик жиҳатдан муҳим кўприкни портлатдилар. Сальвадорнинг американараст режими мамлакатнинг шарқий қисмига жазо отрядларини ташлаш учун ана шу кўприкдан фойдаланаётган эди.

Айни вақтда Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтининг бошқа бир отряди режим қўшинларининг Америка «маслаҳатчилари» ўқитиб-ўргатган батальонини Сан-Висенте департаментида тор-мор қилди.

Янги йил арафасида Сальвадор ватанпарварлари амалга оширган жуда катта операция — Эль-Параисо шаҳрида тўртинчи пиёда аскарлар бригадасининг штаби ва армия казармалари тор-мор этилгандан кейин дарҳол кўприк портлатилиб, ана шу батальон тор-мор этилди. Сальвадор қотилларининг сараланган батальонларини тайёрлайдиган ҳарбий марказлардан бири ана шу шаҳарда жойлашгандир.

Миллий озодлик фронтининг «Венсеремос» радиостанцияси хабар қилишича, Эль-Параисодаги базанинг тугатилиши Қўшма Штатлар қўллаб-қўлтиқлаётган чиркин диктатурага қарши ҳужум ҳаракатларининг янги босқичи бошланганлигини билдиради. Бу босқич «Бутун халқ узил-кесил ғалабагача империалистик агрессияга қарши курашади» шиори остида ўтказилмоқда.

(ТАСС).

УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида маълум қилинишича, Ироқнинг ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучлари Ормуз бўғози районида Бендер Хумайни портига бораётган Эроннинг беш кемасига ҳужум қилиб, уларни ғарқ қилганлар. Денгиз ва ҳаво жанги чоғида бўғоз устида Эроннинг битта вертолёти уриб туширилган. Ироқ томони эса икки жанговар самолётидан маҳрум бўлган.

НИКОСИЯ. (ТАСС). Эрон осмонига бостириб кирган Ироқнинг икки жанговар самолётини Эроннинг қирувчи самолётлари уриб туширган. Эрон қуролли кучлари бирлашган қўмондонлигининг Теҳрон радиоси эшиттирган ахборотида шу гап маълум қилинади. Фао порти районида Ироқнинг ракета установкаси мажақланганлиги ҳам хабар қилинади.

ОҚ УЙНИНГ «МУТЛАҚО НОТЎҒРИ» СИЁСАТИ

НЬЮ-ЙОРК. Сенатор Г. Харт Американинг ҳозирги маъмурияти ўтказиб келаётган сиёсатнинг бир қанча жиҳатларига қўшилмаслигини айтди. У демократик партиядан АҚШ президенти лавозимига номзоди кўрсатилишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Г. Харт «Нью-Йорк таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда ядро қуролларининг янги системаларини кейинчалик қисқартириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш ва жойлаштиришни дарҳол тўхтатиш зарурлигини таъкидлади. Сенатор жумладан Қўшма Штатларнинг қитъалараро «МХ» баллистик ракеталарини, шунингдек «В-1» стратегик бомбардимончи самолётларни ишлаб чиқаришига қарши фикр билдирди.

Харт Оқ уйнинг Марказий Америкадаги сиёсатини «мутлақо нотўғри» сиёсат деб атади. Қўшма Штатлар, деди у, Сальвадор режимини ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни тўхтатиши ва шу мамлакатдаги аҳволни тинч йўл билан бартараф этишга интилиши зарур. Сенатор Америка қўшинлари Гондурасдан дарҳол олиб чиқиб кетилишига ҳамда Никарагуага қарши кураш олиб бораётган контрреволюционерларга ҳарбий ва молиявий мадад беришни тўхтатишга даъват этди.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия аҳолисининг учдан икки қисми НАТО блокининг Ғарбий Европа мамлакатларида Американинг янги биринчи зарба урувчи ядровий ракеталарини жойлаштиришга қарор берганлиги тинчлик иши учун жиддий хавф-хатардир, деб ҳисоблайди. Бу ерда жамоатчилик фикрини билиш натижалари шундан далолат беради. Фикри сўралган кишиларнинг ярмига яқини Ғарбий Европада, Американинг ядровий ракеталарини жойлаштириш қитъадаги беистисно барча мамлакатларнинг, шу жумладан Финляндиянинг хавфсизлигига таҳдид қилади, деди.

● МАПУТУ. Исроиллик инструкторлар «Миллий қаршилик ҳаракати» деб аталмиш ҳаракатга мансуб террорчиларни тайёрлашда бевосита қатнашмоқдалар, деди Мозамбик халқ озодлик кучларининг Софала вилоятидаги сиёсий комиссари З. Тиване. Халқ озодлик кучлари миллий қаршилик ҳаракати таянч базаларини йўқ қилиш борасида олиб борган муваффақиятли операциялар чоғида қўлга туширилган ҳужжатлар шундан далолат беради, деди у.

(ТАСС).

ШАРҲЛОВЧИ САТРЛАРИ

ИСЛОМНИНГ ВАШИНГТОНЛИК «ҲОМИЙЛАРИ»

Халқаро террорчиликни давлат сиёсати даражасига кўтариш, коммунизмга қарши «салб юриши»ни эълон қилиш ҳозирги пайтда Америка Қўшма Штатлари маъмурияти ташқи сиёсатини белгилайдиган хусусият бўлиб қолди.

Бу хавфли йўлни амалга ошириш билан бир қаторда жаҳон жамоатчилигини ўз агрессив ниятларидан чалғитиш мақсадида турли найрангбозликларгача бориб етилмоқда. Бунда агар гап Европа тўғрисида борадиган бўлса чалғитиш учун одатда Польша танланади. Агар жамоатчиликнинг эътибори Гренадани ваҳшиёна босиб олиш ёки Никарагуани ҳарбий қамал қилишга қаратилган бўлса, пропаганда йўналиши Куба тарафига қаратилади. Америка билан Исроилнинг стратегик тил бириктириши ва Яқин Шарқда арабларга қарши қилинаётган бевосита агрессия эса диққат-эътиборни Афғонистонга қаратиш билан хаспўшлашга ҳаракат қилинади.

Мана ҳозир ҳам «афғон масаласи» деб аталувчи уйдирма НАТО кенгаши резолюцияларида, ислом конференцияси ташкилоти йиғини, Исломободда ўтказилган «Бугунги кунда ислом» конференцияси қарорларида тилга олинадиган бўлиб қолди.

Учига чиққан бу луттибозликнинг энг сўнггиси Вашингтонда давлат департаменти ташаббуси билан ўтказилган иғвогарона «Афғонистон бўйича миллий (?) анжуман»дир. Унда АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Лоуренс Иглбергер, ҳозир раҳбарлик курсисидан ажралиб қолган Збигнев Бжезинский ва Небраска штатидан сенатор-демократ Эдвард Зоринский фаол иштирок этдилар. Бу «анжуман» ташкилотчиларининг баёнотига кўра, уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад жамоатчиликнинг диққат-эътиборини Афғонистонда «унутилаётган уруш»га қаратишдир. Бу йиғинни ўтказишга тайёргарлик кўриш Омах (Небраска штати)даги Крейтон университетига топширилди. Давлат департаменти эса унда иложи борича кўпроқ афғон контрреволюционерлари иштирок этишини таъминлади.

Табиийки, бу ерда сўзга чиққанлар нутқларининг моҳияти асосан Афғонистон Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқига бўҳтон ёғдиришга ҳамда муждаҳиддин (дин учун курашчилар)ларга ҳарбий ва маънавий ёрдамни кучайтиришга даъват қилишдан иборат бўлди. «Вашингтон пост» газетасининг таъкидлашига кўра, Бжезинский очиқдан-очиқ АҚШ афғон контрреволюционерларига ғарбнинг янада замонавийроқ қурол-яроғларини етказиб беришни кўпайтириши керак деди. Маълумки, 1980 йилнинг бошида президент Картернинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси вазифасида ишлаб турган Збигнев Бжезинский Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни кучайтиришнинг асосий ташаббускори бўлган эди. Ўша пайтдан бери фақат Марказий разведка бошқармаси бу урушга йилига 100 миллион доллар сарфламоқда.

Вашингтонда ўтказилган бу «спектакль» ташкилотчиларининг фикрига қараганда гўё афғон халқи афғон диёрига вақти-вақти билан бостириб кириб турган қуролланган тўдалар ва лагерларда сақланаётган «қочоқ»лардан иборатгина эмиш. Афғонистондаги аҳволни сиёсий ҳал қилиш масаласига келганда эса исломнинг америкалик «ҳомийлари» тушунчасига кўра қуйидагича бўлиши керак экан: Совет Иттифоқи дўст Афғонистон билан тузилган шартномани бузиб, унинг территориясидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетади. Бу ерда ҳосил бўладиган бўшлиқни эса, табиийки, дарҳол ғарб қурол-яроғи билан қуроллантирилган босмачилар эгаллайди ва улар гражданлар урушини бошлаб юборадилар. Бундай режалар фақатгина руҳий касалликка дучор бўлган кишилар ўйидагина пайдо бўлиши мумкинлигини тушуниш қийин эмас.

Яқинда АДР ташқи ишлар министри Шоҳ Муҳаммад Дўст ўз ҳукуматининг позицияси активлик, изчиллик ва эпчиллик билан характерланишини таъкидлади. Айниқса, бу эпчиллик қўшни мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштириш масаласида яққол намоён бўлмоқда. Афғонистон бу нормаллаштиришга оид барча муаммоларни музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этишга тайёрлигини қайта-қайта таъкидлаб келган. Бу АДРнинг 1980 йил 14 май ва 1981 йил 24 августдаги баёнотларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу Женевада БМТ Бош секретарининг махсус вакили Диего Кардовес иштирокида ўтказилган Афғон-Покистон музокараларида ҳам тасдиқланди. БМТ Бош секретари Перес де Куэльярнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXXVIII сессиясига тақдим этган докладида Совет ҳукумати Афғонистон атрофидаги вазиятни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш тарафини қатъий ёқлаётганлиги ва бу соҳада қилинаётган куч-ғайратларни қўллаб-қувватлаётганлиги уқтирилади.

«Афғон масаласи» деб аталувчи бу масалани тинч йўл билан ҳал этишнинг реал асоси худди ана шундадир. Буни исломнинг вашингтонлик «ҳомийлари» режиссёрлик қилган ҳеч қандай иғвогарона спектакллар ўзгартира олмайди.

В. НАКАРЯКОВ,
(АПН).

УН ЗАВОДИ — ЮБИЛЯР

ТОШКЕНТДАГИ 3-ун заводига асос солинганига 100 йил бўлди. Корхона шу давр мобайнида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ишлаб чиқариш участкалари замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди, цехлар илғор технология асосида ишлай бошлади. Дастлабки йилларда бу ерда 20 тонна ун тайёрланган бўлса, бугунга келиб, заводда бир суткада 200 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Бундан ташқари, маҳсулот сифати ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Унинг асосий қисми юқори сортларга топшириляпти.

Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили корхона коллективи учун айниқса зафарли бўлди. Барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича давлат планлари зиёдаси билан адо этилди.

Шаҳримизнинг энг кекса корхоналаридан ҳисобланган ун заводи коллективи 1984 йилни ҳам муваффақиятли бошлади. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ шахсий мусобақада иштирок этаётган илғорлар январь ойида жадал ишлашяпти. Социалистик мусобақада Вера Люкяевских, Владимир Юдаев, Тўлқин Шоюсупов, Собир Шокиров, Саида Мансурова сингари ишчи-хизматчилар барчага намуна бўлмоқдалар.

А. МИРАЛИМОВ.

ҚИШЛОҒИМИЗ КИШИЛАРИ

ОЙДИН ЙЎЛ

ҚИШЛОҚНИНГ марказий йўли. Ундан ўтиб бораётган Саттор отанинг диққатини бир нечта жойларда ҳосил бўлган ўйдим-чуқурликлар ўзига тортди. Бу ҳол отахон қалбининг аллақаерини чимчилаб ўтгандек бўлди. «Эҳ, аттанг, ёғингарчиликлар бошланмасдан аввал тузатиш керак экан-да, — хаёлидан ўтказди у. — Бироқ, ҳалиям кеч эмас, асфальт ётқизиб, текислаб қўйиш керак».

Саттор отанинг қишлоқ йўли учун бунчалик жон куйдириши унинг фақатгина шу қишлоқ оқсоқоли эканлигида эмас, албатта. Бу йўл бутун қишлоқ аҳлининг машаққатли меҳнати эвазига бунёдга келгани учун ҳам унга қадрдондир. Йўл отахонга яна шунинг учун азизки, бу кўчада у беғубор болалик йилларининг масъуд дамларини кечирган. Мана, олтмиш йилдирки, ота Чотқол этакларидаги қадрдон қишлоғини, унинг паст-баландликлардан иборат кўчаларини тарк этмай келмоқда.

Оппоқ булутлар орасидан элас-элас чўққилари кўринаётган азим Чотқол қояларига Саттор ота узоқ тикилди. Балки шу туришда у даҳшатли уруш туфайли ўрта мактабни ҳам тугатмасдан меҳнат қилишга мажбур бўлганини, ёки кечагина севган кишиси билан бир олам орзу-истаклар хаёлида оила қурган Абдухалил акасининг эртаси куниёқ Ватан ҳимоясига отланганини, падари Абдухорун ота, муштипар онаси Турсун ая ва катта акаси Муллаларнинг —бутун қишлоқ аҳлининг фронт оркасида бажарган машаққатли меҳнатларини эслаётгандир.

Қишлоқнинг Абдухалил ака сингари алпқомат йигитларидан кўпчилиги урушдан қайтмади. Улар Ватан учун, келажак авлоднинг бахтли ҳаёти учун душман билан бўлган тенгсиз жангларда қурбон бўлишди. Ўша даврда Абдухалил ака каби кишилар зиммасига қўлга қурол олиб, Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли вазифа тушган бўлса, ўспирин, комсомол аъзоси бўлган Саттор каби ёшлар катталар қатори фронт орқасида, меҳнат постида бўлишлари лозим эди.

1941 йилда Сўқоқ қишлоғидаги ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиси бўлган ёш Саттор халқ депутатлари Сўқоқ қишлоқ Совети ижроия комитетида секретарлик қила бошлади. Ҳар куни қишлоқ Советидаги ишларни бажариш билан бирга кеч тунгача аҳолидан фронт учун эҳтиёждан ортиқча маҳсулотларни йиғиш, уларни район марказига етказиш тадбирлари кўриларди. Марказ билан боғланувчи ёлғиз мана шу йўлнинг тор ва жуда кўп бурилишлардан иборатлиги от араваларнинг юриши учун ҳам бир катор қийинчиликлар туғдирарди. Техника воситалари, телефон алоқасининг йўқлиги қишлоқ Совети ходимларининг ишини ниҳоятда мушкуллаштирарди. Бироқ, бу қийинчиликлар фронтдагилар бошдан кечираётган даҳшатлар олдида ҳеч гап эмаслигини яхши тушунган сўқоқликлар, айниқса, Саттор каби комсомол-ёшлар янада унумлироқ меҳнат қилишга, фронт учун кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга бутун кучларини сарфлашарди.

1945 йилнинг баҳори бутун борлиқни яшилликка, гулларга буркади. Бу гўзаллик тоғ бағридаги қишлоққа ҳар йилдагидан ҳам ўзгача фусункорлик бахш этди. Сўқоқликларнинг қалби ҳам ана шу даврда Буюк ғалаба ҳақидаги хушхабардан севинчларга тўлди. Бу ерда ҳам тинч қурилиш йиллари бошланди. Қишлоқ аҳли ўртасида ўзининг серҳаракатлиги, умум иши учун доимо ҳозир жавоблиги билан ҳурмат қозонган секретарь йигит Саттор Абдухорунов ҳам бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлашда давом этди. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. «1941—1945 йиллардаги шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

Комсомол йигитнинг ўзига топширилган ҳар қандай вазифага сидқидилдан муносабатда бўлиши, унинг фидойилиги Паркент райони раҳбарлари назаридан ҳам четда қолмаганди. Район партия комитетининг марҳум биринчи секретари Самар Раҳматуллаев бир куни уни ҳузурига чақириб, шундай деди:

— Сен энди куч-қувватга тўлиб келяпсан. Келажак сен каби ғайратли ёшларга мунтазир. Биз маслаҳатлашиб, сен колхозда раис муовини бўлиб ишлашинг лозим, деган қарорга келдик.

Секретарнинг ўшанда айтган бу сўзлари эндигина йигирма икки ёшни қаршилаётган Саттор Абдухоруновни ўйлатиб қўйди.

— Ҳали жуда ёшман, қандай бўларкин?! — деган саволига:

— Зарари йўқ, иш ўрганасан. Биз ёрдам берамиз,— деган жавобни олди.

Аммо, орадан кўп ўтмай, иш кутилганидан ҳам ўзгача бўлди. Ўша пайтдаги Калинин номли колхознинг ҳисобот-сайлов йиғилишида хўжалик аъзолари бир овоздан ёш Сатторни раисликка сайлашди. Колхозда асосан ғалла етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланишарди. Раис ишни фронтдан қайтаётган кишиларга, уларнинг ҳолига, аввалги шуғулланган касбига қараб иш тақсимлашдан бошлади. 1946 йили хўжаликда 1800 гектар лалмикор ерда омоч ва кетмон билан ишлаб, юқори кўрсаткичга эришилди. Давлатга 400 тонна ғалла сотилди. 400 га яқин қорамол, ва 1,5 мингга яқин қўйдан ҳам кўзда тутилганидан зиёд чорвачилик маҳсулотлари олинди.

Албатта, биринчи йилларданоқ хўжалик ишларини намунали даражада йўлга қўйишнинг ўзи бўлмади. Раис барча ишларда кексалар маслаҳатига, илғорлар тажрибасига суянди. Хўжаликда меҳнаткашлар турмуш маданиятини яхшилаш, қишлоқни обод қилиш ишларига катта эътибор берилди. Шу туфайли йилдан-йилга хўжалик мустаҳкамланиб борди.

...Тоғдан эсган шабада Саттор ота баданини сескантирди. У пальтосининг юқори тугмаларини қадаб, шарфини бўйнига тортди. Унга салом бериб ўтаётган йўловчилар билан илиқ сўрашиб, илдамлаб кетди. Унинг кўча ҳақидаги ташвиши ҳали ҳам тинчлик бермасди...

Худди ҳозиргидек қиш фасли эди ўшанда. От араваларнинг кўчада лойга ботиб қолиши, қишлоқ марказида йўл ҳаракатининг оғирлиги ҳамманинг жонига тегди.

— Ўртоқлар, ҳашар уюштириб, мана шу йўлни тузатсак,— деди колхознинг умумий йиғилишида ёш раис.

Ҳамма уни қўллаб-қувватлади. Сўқоқ сойидан замбил ва саватларда тош ташилиб, уч ой ичида қишлоқнинг равон марказий йўли бунёд этилди. Шундан сўнг бу йўлни Ильич нурлари ёритди. Сўқоқликлар учун биринчи маротаба ана шу кўча чеккаларига водопровод қувурлари ўрнатилди. Бирин-кетин қишлоқда янги-янги маданий-маиший объектлар қурила бошланди. Колхоз техника билан таъминланди.

Мана, қарийб ўн олти йилдирки, Саттор ота халқ депутатлари Сўқоқ қишлоқ Совети ижроия комитетига раислик қилиб келяпти. Бу давр мобайнида у қишлоқни янада обод қилиш, янгича урф-одатлар ва анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш борасида ибратли ишларни амалга оширди. Кейинги йиллар мобайнида бунёд этилган 700 ўринли мактаб, 100 ўринли болалар боғчаси, касалхона, кундалик харид моллари билан савдо қилувчи магазинлар, клуб, чойхона ва ҳаммомларнинг қурилишида ота ўзининг ҳиссаси борлигидан, фахрланади. Кундан-кунга қишлоқда меҳнаткашлар турмуш маданияти яхшиланиб, бораётганлигидан севинади. Ҳозиргача 800 хонадон газ билан таъминланган. 100 абонентли телефон станцияси ишлаб турипти. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ Советида ишлаётган доимий комиссияларнинг фаоллигидан далолат беради.

Саттор ота қишлоқ Совета идораси олдида туриб кенг йўлга узоқ тикилди. У шу туришда барча фарзандлари, йигирма набираси ҳам ана шу қишлоқда ўсиб, вояга етаётганлигидан қалби қувончларга тўлди. Хуррият ая билан тотув кечирган ҳаётидан мамнун бўлди. Ҳозир фарзандлари Абдусожид, Абдусаркор, Абдусодиқ, Абдуқодир, Раъно, Рафиқа Раиса ва Донолар ота анъанасини давом эттириб, қишлоқдан кетишмаган. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишаяпти. Отанинг тарбиясини олган жиянлари — Абдумажид ва Абдурожидлар ҳам шу қишлоқда ҳалол меҳнат қилишмоқда.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БИР МАВЗУДА ИККИНЧИ МАРТА

ТАНҚИДНИ ПИСАНД ҚИЛМАЙ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 1983 йил 14 октябрдаги сонида «Ножўя қадамлар» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилиниб, унда Тошкент маданий-оқартув техникумидаги қатор камчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилган эди.

Мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидан жавоб олдик. Қисқагина бу жавобда жумладан шундай дейилади: «Мақолада келтирилган фактлар министрликка маълум ва улар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилган. Кадр масаласи ҳам ҳал қилинди. Тошкент маданий-оқартув техникумига В. О. Тошхўжаев директор қилиб тайинланди».

Редакцияни бу жавоб мутлақо қаноатлантирмади. Негаки, шу техникумда 1982 йил кириш имтиҳонида бир абитуриентдан олинган пора эвазига имтиҳон ҳужжатидаги «икки» баҳони «уч» қилиб тузатгани учун бир группа ўқитувчилар жазосини олиши керак эди. Бироқ... мана бир ярим йил ўтди ҳамки, бу ишда айбланган ўқитувчиларнинг қилмиши на бирон йиғилишда муҳокама қилинди, на техникум маъмурияти, на министрлик томонидан бирон-бир чора кўрилди.

Иккинчи факт: собиқ директор Т. Фозилов ишдан бўшагач тўрт ойга яқин директор вазифасини бажарган И. Л. Андресовская ножўя хулқи туфайли техникумдан четлаштирилган, КПСС сафидан ўчирилган собиқ ўқитувчи В. Хлебниковни 1983 йил кириш имтиҳонларини олиш учун таклиф қилди (?!). В. Хлебников энг нозик ва масъулиятли иш — техникумга ўқувчи кадрлар танлаш масаласини ҳал қилишда иштирок этди...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИга ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Бу факт ҳам министрликка маълуммиди? Маълум бўлса — нега ўқитувчиликдан четлаштирилган, КПСС сафидан ўчирилган бир одамни техникум ҳаётининг энг масъулиятли фаолиятига жалб қилишга бош-қош бўлган И. Андресовскаяга чора кўрилмади?

Учинчи факт: ўқувчи М. Тоштанова саккизинчи синф маълумоти билан 1982 йилда хореография бўлимига ўқишга кирган. 1982 йил охирида у махсус буйруқ билан хор-дирижёрлик группасига ўтказилган. Бу группада тўлиқ ўрта маълумотли, яъни 10-синфни битирганлар ўқийди. М. Тоштанова 1983 йилда сиртқи ўрта мактабни тугатган (?!). Хўш, у 1982 йилда хор-дирижёрлик группасида ўқишга ҳақлимиди? Мақолада, буйруқ чиқарилишига цикл комиссиясининг раиси ва клуб бўлимининг мудири К. Бекназаров розилик билдириб аризага имзо қўйганлиги асос қилиб олингани кўрсатилган эди. Ҳозир М. Тоштанова учинчи курсда ўқияпти, К. Бекназаров ўз ўрнида ишлаяпти.

Нақд кўзбўямачиликнинг намунаси бўлмиш бу факт министрликка маълуммиди? Агар маълум бўлса — нега чора кўрилмади?

Газета юқоридаги уч факт бўйича мана шу саволларга жавоб кутади. «Ножўя қадамлар» мақоласини ёзишдан мақсад ҳам шу — министрликка маълум бўлмаган «икир-чикир»ларни маълум қилиб, бу камчиликларни тугатишда принципиал танқид орқали уларга ёрдам бериш эди. Афсуски, министрликдаги масъул ўртоқлар буни тушунишни истамаганга ўхшайдилар. Йўқса, «Ҳаммаси ўзимизга маълум эди, чора кўрганмиз» деган беписанд жавоб йўллаш ўрнига, мақолани техникум коллективида муҳокама қилган ва унинг натижаси бўйича принципиал жавоб ёзган бўлардилар.

Мана, мақола чиққандан буён уч ойга яқин вақт ўтди. Лекин у ҳамон техникумда муҳокама қилингани йўқ.

«Санамжон ва тилла билагузук»
мақоласи газетхонлар муҳокамасида

ЙЎЛ БИЛМАСАНГ, ЙЎЛ СЎРАГИН ЮРГАНДАН

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасининг 1983 йил 7 декабрь сонида эълон қилинган «Санамжон ва тилла билагузук» сарлавҳали мақолани биз, Тошкент шаҳар халқ маорифи ветеранлари Советининг аъзолари ўқиб чиқиб муҳокама қилдик ва ўз муносабатимизни билдириш учун қўлга қалам олдик.

Полвонназир каби шахсни ўтакетган жоҳил, заррача одамийлиги йўқ, пасткаш, бетавфиқ қотил деб атамасдан иложимиз йўқ. Мол-дунёга муккасидан кетган бу йигит, мақолада таъкидланганидек, фақат маънавий қашшоқгина эмас, балки инсон зотига хос бўлмаган тубанликка кетган бир шахсдир. Энг ачинарлиси шундаки, у олий маълумотли мутахассис, раҳбар бўлишига қарамасдан, совет оиласининг энг яхши анъаналарини оёқости қилган, оила бошлиғи бўлишдек шарафли бурчнинг уддасидан чиқолмаган.

Тўғри, молпарастлик — энг ярамас пасткашлик. Эркакми-хотинми, ёшми-қарими, ким бўлишидан ва қаерда ишлашидан қатъий назар, у молпарастлик балосига мубтало бўлдими — тубанлашди деяверинг! Чунки молпараст кишининг кўзи оч бўлади, ҳар қанча еб-ичса ҳам, ҳар қанча жамғарса ҳам тўймайди. Яна кўпроқ мол-дунё йиғавериш учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ураверади. Хиёнат ва жиноят қилишдан ўзини тиёлмайди. Оқибат нима бўлади? Ахир бир кун бирор еридан тешиб чиқади, хонавайрон бўлади. Худди Полвонназирга ўхшаб.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, билагузукку аёл киши бўлган Санамжонники эди. Қанчадан қанча хийла-найранглар ёки дўқ-пўписалар қилиб бўлса керак, бу тақинчоқ Полвонназирнинг «кутисида» сақланган. Агар у ёмон ниятда бўлмаганида эди, хотинининг илтимосини бажо келтириб, уни хурсанд қила қолса осмон узилиб ерга тушмасди. Бизнингча, бу ҳолатда оқилона фикр юритиш, ўзаро меҳр-муҳаббат ва одамийлик туйғулари ҳар қандай разилликдан юқори туриши керак эди. Афсус, минг афсуски, Полвонназирнинг оиласида шу олижаноб хислатлар етишмаган...

Шундай ажойиб кишилар борки, уларнинг оилавий ҳаётларини, эр-хотин ўртасидаги ҳақиқий меҳрибонликни, бола тарбиясидаги биргалашиб қилинаётган ғамхўрликларни улардан ҳар қанча ўргансак ва бошқаларга кўз-кўз қилсак арзийди. «Йўл билмасанг, йўл сўрагин юргандан» деганларидек, оилавий турмушнинг кўп қиррали сирларини ҳам ана шундай кишилардан ўрганиб, ҳамжиҳатлик билан иш тутайлик! Улуғ замонамизга хос тотув оилавий ҳаёт қуриб, аввало оиламиз олдидаги, қолаверса халқимиз, партия ва ҳукуматимиз олдидаги гражданлик бурчимизни шараф билан бажарайлик!

Аъзамхон РУСТАМОВ,
СССР халқ маорифи аълочиси,
Ойсулув КЕЛДИЕВА,
Шораҳим ГАДОЙБОЕВ,
Қудрат ОРТИҚОВ,
Қўзибой МУҲАМЕДОВ,
партия ва меҳнат ветеранлари.

Саёҳат ва буюмпарастлик

«САНАМЖОН ва тилла билагузук» мақоласи кўпчиликни ҳаяжонлантирган бўлса керак деб ўйлайман. Мақола авторлари бир фожиа атрофида фикр юритиб, бахт буюмпарастликда, ноёб нарсаларни йиғишда эмаслигини, молпарастлик жамиятимиз учун зарарли иллат эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар.

Ҳақиқатан ҳам буюмлар инсон томонидан вужудга келтирилади, уларнинг ҳақиқий ижодкори меҳнаткаш халқ. Лекин шунга қарамасдан айрим кишилар, қадимда италиялик бир рассом ўзи чизган аёл расмига сажда қилгани каби, жонсиз буюмларга сиғинмоқдалар. Мақолада, бу ҳодисанинг баъзан жисмоний, кўпинча эса маънавий ҳалокатга олиб келишини кўрсатиб, қалбингизга қулоқ солинг, зеб-зийнатнинг, буюмнинг қули бўлиб қолманг, дея огоҳлантирилиши бизга жуда манзур бўлди. «Моддий неъматлар (бундай неъматлар бора-бора тобора кўпайиши лозим ва кўпаяберади) — деган эди ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашувда, — инсоният устидан ҳукмронлик қилмасин, балки унинг энг юксак эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган бўлсин. Инсоннинг маънавий бойлигигина чинакамига чексиздир. Балки бу бойликни ҳамёнга солиб бўлмаса ҳам, кўз-кўз қилиш учун деворга осиб бўлмаса ҳам, биз ана шундай бойликни кўпайтириш тарафдоримиз. Бу инсонга, совет кишисига муносиб бўлган бирдан бир бойликдир».

Саёҳат инсоннинг маънавий бойлигини кўпайтиришга хизмат қиладиган ажойиб воситалардан биридир. Саёҳатда туристнинг билим доираси кенгаяди, табиат, тарих ва фан ютуқлари билан яқиндан танишиш имкони туғилади, шу билан бирга актив дам олишга ҳам хизмат қилади. Бироқ, афсуски, саёҳат даврида ҳам буюмпарастлик табиатини ўзгартирмайдиган, буюм излаш билан овора бўлиб саёҳат лаззатларидан, маънавий бойликдан маҳрум бўлаётган туристлар ҳам учраб туради.

Мен саёҳатда кўп бўламан. Мақолани ўқигач беихтиёр ўзим кўрган ана шу айрим буюмпараст саёҳлар кўз олдимда бир-бир гавдаланди. Бир неча йил муқаддам Россиянинг қадимий шаҳарларини бир-бири билан боғлайдиган, узунлиги 2 минг километр бўлган «Олтин халқа» деб аталадиган автомобиль йўли бўйлаб саёҳат қилдик. Ярославль шаҳрига борганимизда улуғ рус шоири Н. А. Некрасов яшаган қишлоқдаги уй музейини томоша қилдик. Шу куни мен Некрасов ҳақида шунча кўп нарса эшитдим ва кўрдимки, бу таассуротлар кўз олдимда Некрасовни тириклай гавдалантирди. Унинг ёзган ручкаси, кийган кийимлари, ёзув столи оддий ва соддалиги билан шоирнинг камтарлиги ҳақидаги ҳикояларга омухта бўлиб бизни ўзига мафтун этди. Группамиздан ажралиб магазинларни айланишга кетган беш киши эса умрбод эсда қоладиган бундай таассуротдан маҳрум бўлдилар. Жаҳоннинг барча қитъаларидан адабиёт мухлислари улуғ шоир уйини кўргани келсалар-у, республикамиздан борган баъзи туристлар уй музей билан танишишдан кўра қандайдир буюмлар қидиришни афзал кўрсалар? Бундай маънавий қашшоқлик билан келишиб бўладими?! Саёҳат баҳонасида мол харид қилиш учун борганлар ҳақида яна бир мисол: 1982 йилда «Эльбрус—Сочи» маршрути бўйлаб саёҳатда Нальчик шаҳрига кетаётиб бир район марказида 20 минут дам олдик. Айримлар ошхонага, баъзилар магазинларга тарқалиб кетишди. 20 минут ҳам ўтди. Шофёр сигнал берди. Ҳамма йиғилди, фақат икки турист аёл ўз ўрнида йўқ эди. 28 минут ўтгандан кейин бинокль билан тўғридаги йўлга қараб турган ўртоғимиз икки километрча нарида икки аёл чопиб келаётганини айтди. Бу икки ҳамроҳимиз терлаб-пишиб, етиб келишди. Билсак, қўшни қишлоқдаги магазинда сариқ духоба сотаётганини эшитиб, югуриб кетишган экан. Улар уч мартадан навбатда туриб, 7 метрдан 21 метр духоба харид қилишибди. Ана шу икки буюмпараст аёл туфайли группамиздаги 28 киши ярим соатдан ҳисоблаганда 14 соат вақт йўқотди. Нальчикка кечикиб келганимиз оқибатида эса музейни кўриш бизга насиб бўлмади.

Хостага келганимиздан кейин ўша икки аёл квартирага жойлаштирилганидан фойдаланиб, ўзларига ўхшаган яна бир аёлни эргаштириб, икки-уч кун кўздан ғойиб бўлишди. Улар Сочи районидаги қатор экскурсияларга бормасдан Сочи, Адлер, Гагра, Сухумидаги магазинларни айланиб буюм йиғиб келишди...

«Санамжон ва тилла билагузук» мақоласида эса нарсага, буюмларга ружу қилишнинг хунук оқибатлари чуқур таҳлил қилинган. Мен буюмпарастликнинг маънавий бойлик орттиришга келтирган зарарини қисман гапириб ўтдим. Мунозара қилаётган мақола муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Шунинг учун биз уни студентлар учун ўтказиладиган сиёсий машғулотларда ҳам муҳокама қилишни белгилаб қўйдик. Бошқа ўқув юртларида ҳам шундай қилинса фойдадан холи бўлмасди.

Ҳикмат СОБИРОВ,
Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

Калинин районидаги «Рассвет» совхози чорвадорлари қорамол, қўй ва чўчқаларни кам сарф-харажат билан жадал семиртиришда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бунда озуқа базасининг мустаҳкамланганлиги, бригада пудрати ҳамда хўжалик ҳисобида ишлашга ўтилганлиги, айниқса, катта самара бераётир.

Суратларда: совхоз директори ўринбосари Л. Шишкина бу ерда ўқув практикасини ўтаётган студентлар билан суҳбатлашмоқда; хлорелла суспензияси тайёрланадиган цех.

А. Кошкин, Р. Нуриддинов фотолари.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ КИТОБЛАР

«БЎКА ТАЖРИБАСИ»

Бўка областимиздаги илғор районлардан биридир. Бўкаликлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳалари айниқса, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Район сурункасига бир неча бор Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланган, Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат шуҳрати китобига ёзилган.

Район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломовнинг яқинда «Ўзбекистон» нашриётида босиб чиқарилган «Бўка тажрибаси» китобида бу муваффақиятларга қандай эришилаётганлиги, район партия ташкилотининг экономикага раҳбарлик қилиш, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, қишлоқда турмуш маданиятини ошириш борасидаги тажрибалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Бўкада пахта етиштиришнинг индустриал технологияси муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Шу туфайли район деҳқонлари пахта тайёрлаш планини ҳар йили республикада биринчилар қатори бажарадилар. Ватанга 75-80 минг тонна — планадагидан анча кўп «оқ олтин» топширадилар.

Китобнинг «Тошкент технологияси» — энг илғор усул», «Техника — деҳқон қаноти» бобларида пахтачиликка фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини кенг жорий этиш учун партия ташкилотлари, хўжалик органлари олиб бораётган ишлар ёритилган.

Автор илғор пахтачилик бригадалари бошлиқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Ҳамза номли колхоздан Саодат Гулаҳмедова, «Бўка» »совхоздан Мария Александровна Ковалева, шунингдек, «Ленинобод» колхозидан КПСС XXVI съезди делегати Инобат Ҳожибекова, «Партия XIX съезди» колхозидан Аҳмад Душабоев ва бошқа кўпгина моҳир пахтакорлар, чорвадорлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг фидокорона меҳнатлари, юксак маҳоратларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Т. Исломов ўз китобида район меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларга ҳам тўхталади.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ГАЗЕТХОН ТАШАККУРИ

ИШИДАН ХУРСАНДМИЗ

Ҳурматли редакция! Сизга мана шу хатни ёзар эканман қалбимдаги илиқ сўзларни қай йўсинда ифода этишни билмайман. Инсонларга яхшилик қилиш, уларнинг кўнглини ола билишдек улуғ иш бўлмаса керак. Киши соғлиғини йўқотса кўзига дунё тор кўриниб кетар экан, ана шундай дамда бирдан бир дардкаш, нажоткор бу шифокор десам адашмайман. Чунки врач энг оғир лаҳзаларда ҳам бемор билан ҳамнафас бўлади, унинг хасталигини енгиллатишга ҳаракат қилади..

Яқинда мени касаллигим туфайли Ангрен шаҳридаги 1-тез ёрдам касалхонасига олиб келишди. Бу ерда шифокорлар дардимни енгиллатиш учун барча чора-тадбирларни кўришди. Албатта, дори-дармон, муолажа касалликни даволашнинг бирдан-бир йўли. Лекин бемор учун бир оғиз илиқ сўз, меҳрли нигоҳ ҳар қандай дoридан ҳам зарур эканлигини мен шу ерда ҳис қилдим.

Мен учун энг оғир лаҳзаларда атрофимда туну-кун парвона бўлган ҳамшира Ҳамробиби Шодиевани сира унутмайман. У ўн уч йилдан буён мен каби неча-неча кишиларнинг оғирини енгил қилиб келяпти. Жонкуяр ҳамширани беморлардан тортиб ҳамкасблари, врачлар, ҳамма-ҳамма ҳурмат қилади.

Хирургия бўлимида Ҳамробибидан ўрнак олиб, унинг фазилатларини ўзларида мужассамлаштиришга, унга эргашишга ҳаракат қилаётган ҳамширалар кўпчиликни ташкил қилади. Ибодат Шамирова, Қизилгул Тожиевалар ҳам шулар жумласидандир.

Мана шу ўз касбларига садоқатли нажоткорларнинг меҳр-муҳаббати туфайли мен оилам бағрига қайтдим. Барчага баравар муносабатда бўлаётган бу шифокорларга ташаккуримни етказишингизни илтимос қиламан.

И. АҲМЕДОВ,
Ангрен шаҳар Совети ходими.

100 БОШДАН 125 ТАДАН

ЎЗ МЕҲНАТ натижаларингдан кўнглинг тўлса, келгусида янада баракали меҳнат қиласан, киши. Ўн биринчи беш йилликнинг марказий учинчи йилида совхозимизда ҳар юз бош совлиқдан 114 бошдан насл олинди. Пландаги 3500 ўрнига 4750 бош қўзи ўстирилмоқда. Жун етиштириш мажбуриятини ҳам шараф билан бажардик, 16 тонна ўрнига 21 тонна қимматли саноат хом ашёси топширилди.

Бу ютуқда менинг ҳам ҳиссам бор. 464 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 92 ўрнига 122 бошдан қўзи олишга эришдим. Жун топшириш мажбуриятини ҳам ошириб бажарилди.

Бу ғалабаларга фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этаётганлигимиз, илғор тажрибаларни қўллаётганимиз туфайли эришмоқдамиз. Мана, бир неча йилдирки, совхозимизда қўйларни эрта қўзилатиш туфайли катта даромад олинмоқда. Эрта туғилган қўзи касалликка чалинмайди, кузга бориб 40-45 килограммгача тарози босади.

Қишлов — чорвадор учун жиддий синовдир. Айни кунларда бутун диққат-эътиборни қўйларни қишдан соғлом олиб чиқишга қаратмоқдамиз. Шунингдек, қўзилатиш мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ниятим 1984 йилда ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан насл олишдир. Шубҳасиз, янги йил мен учун янги ютуқлар йили бўлади.

Б. АБДИЕВ,
Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз чўпони.

ЯНВАРЬ ОДИМЛАРИ

ЯНВАРЬ — календарь бўйича қиш фасли. Лекин Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози деҳқонлари бу фаслида ҳам далаларни тарк этишмади. Айни кунларда улар 1984 йил ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда. Ерларни озиқлантириш, ариқ-зовурларни тозалаш, мавжуд машина ва механизмларни ўз вақтида мавсумга шай қилиб қўйишда коллективнинг ҳар бир аъзоси актив қатнашмоқда.

Ҳар куни 25 та трактор ёрдамида далаларга 100 тоннага етказиб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Хўжаликнинг Чинпўлат Норбўтаев, Худойберди Хайитқулов, Нишон Абдукаримов, Абдували Ўрозбоев сингари механизаторлари кунига 8—10 тоннадан гўнг ташиб, мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Миришкорлар айниқса, ҳосилдорлиги паст майдонларга алоҳида ишлов беришяпти. Ҳозиргача 250 гектар ана шундай карталарнинг ҳар гектарига 10 тоннадан маҳаллий, 400 килограммдан минерал ўғит солинди.

Кузги-қишки тадбирлар хўжаликнинг Гулой Тулепбекова, Шарифбой Эсонбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида айниқса, сифатли амалга оширилмоқда.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ФАН ДАРҒАЛАРИ

ХИЗМАТИНИ ТАНИДИ ЖАҲОН

У СОДДА, бемалол ҳикоя қилади. Геологлик касбига бўлган ҳаваснинг уйғониши тўғрисида гапиради. Ўзи туғилиб ўсган Қирғизистоннинг Ўзган шаҳри атрофи тоғлардан иборат бўлганлиги, болалигида у жойларга олимлар кўп боришгани, шулар туфайли илмга иштиёқ қўйғанини сўзлайди.

Фан сирларини эгаллашга бўлган интилиш Иброҳим Ҳамробоевда Тошкент Давлат университетининг геология-география факультетида ўқиб юрган чоғларидаёқ туғилган эди. Кейин бу орзу уни аспирантурага етаклади. Дорилфунуннинг ўзида очилган петрография-литология кафедраси олимлари уни ўз сафларига олишди. Профессор Борис Николаевич Наследов, академик Владимир Иванович Поповлар ёш аспирантдаги меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, изланувчанлик фазилатларини қадрлашар эди.

Кейин унга номи жаҳонга танилган геолог-олим, бағри кенг мураббий Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев устозлик қилди. У ҳали қўриқ ҳисобланган — Ўзбекистон ғарби ер ости бойликларини тадқиқ этишга киришар экан, ана шу қийин, лекин республика учун шарафли ишга ўз шогирдини ҳам етаклади.

Устозимдаги бир фазилатни алоҳида қадрлардим, — дейди И. Ҳамробоев, — бу ёшларга бўлган ишонч, шогирдларни камолотга етказиш йўлидаги дадиллик эди, — ўзим топган конлар тўғрисида илмий хулосалар чиқариб, саноатга топширганимда, улардан келаётган самараларни ҳис этганимда меҳрибон инсон — мураббийим Ҳабиб Муҳаммедовичга эҳтиромим ортарди.

Республикамиз ғарбининг геологик таржимаи ҳолини ўрганиш жараёни истеъдодли олим И. Ҳамробоевга тадқиқотлар борасида олға қараб дадил қадам ташлаш имконини берди. У вулқонли ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг кетма-кетлиги, майдони, вақти, портлашдан кейинги ўзгаришлар билан боғлиқ қатор муаммолар устида муваффақиятли изланишлар олиб борди. Натижада 1957 йили «Ғарбий Ўзбекистондаги магматизм ва ундан сўнгги жараёнлар» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади.

Билим тажрибакор олимнинг умр дафтарида шонли саҳифалар яратиб борарди. 1966 йилнинг баҳори унинг ҳаётида яна унутилмас саҳифалардан бирини очди. Ўша йили бир группа олимлар қатори Иброҳим Ҳамробоев ҳам фан ва техника соҳасида эришган катта ютуқлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлди.

Партия ва ҳукуматимизнинг фанга бўлган эътибори уни янада баландроқ довонларга етаклади. Олим ҳозир ер қобиғини чуқурроқ ўрганиш, руда конларининг ўрнини белгилаш, ишлаб турган ва ишлаш олдида турган конлар базасини кенгайтириш, кўп йиллар давомида фойдаланилган конлар умрига умр қўшиш муаммолари устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги И. Ҳамробоев илмий фаолияти мавзулари республикамиз, мамлакатимиз доирасидан четга ҳам чиқди. У Ҳиндистон, Покистон, Италия олимлари билан биргаликда йирик тадқиқотлар олиб борди ва қатор илмий асарлар яратди. Жаҳон геолог тадқиқотчилари етук олимнинг меҳнатига ҳамиша эътибор билан муносабатда бўлдилар.

Яқинда Канаданинг Онтарио вилоятида жойлашган янги минераллар ва минералларга ном бериш халқаро жамияти комиссиясининг раиси доктор А. Мандаринодан Иброҳим Ҳамробоевич директорлик қилаётган Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси геология институтига мактуб келди. Унда жамиятнинг барча аъзолари Ўзбекистонда топилган янги минералга «Ҳамробоевет» номини беришга қарор қилинганлиги қайд этилган эди. Бу хушхабар бутун Ўзбекистон олимларини ҳам беҳад хушнуд этди.

С. ҲАСАНОВ.

● **ТОШКЕНТ Давлат оперетта театрида москвалик режиссёр А. Борисов «Гусарнинг уйланиши» номли спектаклни саҳнага қўйди. Бу янги саҳна асарида гусарнинг уйланиши воқеаси орқали очкўзлик, манманлик, хасислик каби ёмон иллатлар кулги остига олинади. Суратда: спектаклдан бир кўриниш.**

К. Ромеев фотоси.

АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

Бақувват қўтослар ўзларидан заиф ҳайвонларни ҳимоя этди. Жумагул районидаги «Большевик» совхозининг чорвадорларидан К. Жунушов ва Т. Шейшеналиев бу воқеани ўз кўзлари билан кўрдилар.

Марказий Тянь-Шаннинг Кўкбел деган жойида қўтослар подаси ўтлаб юрарди. Бир вақт кийиклар подаси тўппа-тўғри уларнинг ёнига югуриб келаверди. Ҳолбуки, кийиклар қўтосларнинг ёнида юришни хушламайди. Сабаби маълум бўлди. Кийикларни бўрилар қувиб келаётган экан. Шунда қўтослар дарҳол кийикларни даврага олишди. Йиртқичлар қўтосларнинг бақувват шохлари орасидан ёриб ўта олмади. Бу орада одамлар ҳам етиб келишди. Шундай қилиб бўрилар ўлжасиз жўнаб қолишга мажбур бўлди.

Р. АСЛБОЕВ,
ТАСС мухбири.

✦

ЧИННИ КОНИ

Сольцы шаҳарчасида яшайдиган механизатор Ю. Мартинов Новгород қўриқхона музейига қимматли чиннилар коллекциясини топширди.

У бульдозери билан уй қуриш учун майдон тозалаётиб ердан бир ёғоч бочкани қазиб олди. Бочканинг занглаган чамбараклари узилиб кетди ва ерга ранг-баранг чинни идишлар шақирлаб тўкилди. Аммо уларнинг бир қисми синди.

Бутун қолган буюмлар орасида XIX асрнинг иккинчи ярмида машҳур бўлган Ф. Я. Гарднер заводида тайёрланган болалар кофе набори, Новгороддаги «Пролетарий» заводида Советлар ҳокимиятининг дастлабки йилларида тайёрланган тарелкалар, француз ва немис усталарининг идиш-асбоблари бор. Бу чинниларни уруш йилларида бирон киши яширган бўлса керак.

Мутахассисларнинг фикрича, топилган чиннилар бадиий тарихий аҳамиятга эга. Уларни музей экспозициясига қўшишга қарор қилинди.

В. ЧЕРНЯЕВ,
ТАСС мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ЭНГ ЯХШИ НАВЛАР КЎРИГИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Қишлоқ хўжалиги» павильонида «Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг энг яхши районлаштирилган навлари» деб номланган кўрик-кўргазма ишлаб турибди. Экспозициядаги диаграмма, экспонат ва фотомонтажларда Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси илмий текшириш институтларининг янги сермаҳсул навлар яратиш борасидаги олиб бораётган ибратли ишлари ўз аксини топган.

Кўргазма Ўсимликлар экспериментал биологияси институти ходимлари яратган навларнинг намойиши билан бошланади. Бу ерда «АН—Ўзбекистон — 3», «Самарқанд — 3», «Оқ олтин», «Октябрь — 60», «АН — Боёвут — 2» каби навлар билан ҳам танишиш мумкин. Ҳар бир янги нав ҳақида ҳикоя қилувчи 20 га яқин информацион варақалар мавжуд.

Ленин ва Халқлар дўстлиги орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институти томонидан ташкил этилган бўлим фақат мутахассисларни эмас, оддий томошабинларни ҳам қизиқтириши табиий. Институт ходимлари беш йилликнинг уч йилида 22 агроусул ишлаб чиқишди. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида 114 миллион сўм соф фойда олинди. Булардан «108—Ф», «Андижон—2», «Термиз — 14», «Термиз — 7» навлари республика пахтачилик хўжаликларида районлаштирилди. «Андижон — 6», «Андижон — 9», «Линия—60», «Термиз — 16», «Термиз — 17» навларини эса районлаштириш ишлари давом этмоқда.

Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги институти ташкил этган бўлим ҳам серҳосил пахта навларига бой. Бу ердаги ҳар бир экспонат ўз тарихига эга. «С—4727», «Қизил — Ровот», «Чимбой — 3010», «Уйчи — 2», «С—2606» ва бошқа пахта навлари ҳозирга қадар республикамизнинг кўплаб хўжаликларида жорий этилиб, катта даромад келтирмоқда. Кўргазмада янги йилда кенг майдонларга экишга мўлжалланган навлар ҳам бор. Булар — «С—4880», «С—9063», «Тошкент — 8», «Қарши — 6», «Тошкент—9» ва бошқалардир.

Шунингдек, кўргазмада Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган навлар ҳам қўйилган. Бирлашмада олманинг «Боровинка», «Тошкент», «Нафис», нокнинг «Кузги қизил нашвати», узумнинг «Ризамат», «Эртапишар», «Шредер эртапишари», шафтолининг «Спутник», «Ўзбекистон туҳфаси» ҳамда олхўри, анор, лимон меваларининг янги навлари яратилиб, боғдорчилик хўжаликларида мўл ҳосил олинмоқда. Йўқолиб кетган мева навларини қайта тиклаш ва кўпайтириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Шуниси қувончлики, кейинги йилларда ана шундай меваларнинг 150 дан ортиқ навлари тикланди.

Томошабинлар эътиборини жалб қилаётган яна бир бўлимда дончилик, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик илмий-текшириш институтларида эришилган муваффақиятлар ёритилган.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ўлкамизда амалга оширилаётган ибратли ишлар, илғор тажрибалар, янги технология ва ихтироларнинг актив пропагандистидир. Бу ерда намойиш этилаётган барча янгиликлар, қишлоқ хўжалиги мутахассисларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Ўйлаймизки, кўргазманинг мазкур бўлимларидаги янги экин навлари тез орада кенг тарқалади.

Қ. ЭРДОНОВ.

СССР «ҚИЗИЛ КИТОБИ» САҲИФАЛАРИДА

ЖАЙРОН

Жайрон сут эмизувчилар синфининг жуфт туёқлилар туркимига мансуб жуда чиройли оҳудир. Унинг гавдаси енгил ва ихчам, бўйи 60-80 сантиметр бўлиб, вазни 25-35 килограммгача келади. Оёқлари узун ва ингичка, икки ёни сарғиш, думи бошқа оҳуларникига нисбатан узун ва учи қора бўлганидан унга қорақуйруқ деган ном ҳам берилган. Жайрон шохларининг узунлиги 35 сантиметрга етади. Урғочисида эса шох бўлмайди. Улар Жанубий Қозоғистонда, бутун Ўрта Осиё текисликларида, Сурия, Ироқ, Эрон ва Афғонистонда тарқалган. Жайронлар ўтган асрда Усть-Юрт, Қизилқум, Фарғона водийсининг тоғ этакларида яшаган. Бугунга келиб, жайрон Фарғона водийсидан Мирзачўл ва Далварзин чўлларида бутунлай ғойиб бўлди.

Жайронлар асосан кундузи ўтлаб, кечаси дам олиб ётади. Ёзнинг иссиқ кунларида эса эрталаб ва кечқурунлари, баъзида, кечаси озиқланади. Улар қум тепаликлар соясидан саксовул ва буталар орасидан турли серсув ўсимликларни териб ейди.

Ҳарорат ошиб, ўтлар қовжираганидан кейин ғаллагулли ўсимликларнинг қуриганини, шувоқ, шўроқ, қуйруқ, кийикўт, буюрғун, янтоқ ва бошқа турли туман ўт-ўланларни еб кун кечиради. Қишда эса саксовул, чўл акациясининг мевалари, барги ва ёш навдалари билан озиқланади.

Жайрон гўшти жуда мазали. Шу сабабли уни кўп овлайдилар. Шунинг учун улар, СССРнинг «Қизил китоби»га киритилди. Ҳозир жайронларни кўпайтириш, уларни илгариги яшаш жойларида сақлаб қолиш тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, 1976 йилда Бухоро шаҳридан 40 километр узоқликдаги «Қоравулбозор» совхози ерларидан 5126 гектар майдон ажратилиб, жайрон питомниги ташкил этилди. Ҳозирги кунда у ерда жайронлар сони 200 бошдан ошиб кетди. Питомникда илмий текшириш базаси ташкил этилиб, жайронларнинг яшаш тарзи ўрганилмоқда.

Қ. ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институти илмий ходими.

Редактор ўринбосари
С. Г. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«ЭКЗОТИК ФАНТАЗИЯ»

АТТРАКЦИОНИ

ЎРГАТИЛГАН ГАМАДРИЛЛАР ГРУППАСИ
Ўргатувчи — Тамара ШАТИРОВА.
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА.
Москва цирки масхарабозлари Виктор РОШЧИН, Олег ПЕТРОВ ва Борис АРТЕМЬЕВ доимо манежда.
Томошалар соат 19.30 минутда, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 минутда, якшанба кунлари эса соат 11, 14, 18.00 да бошланади.
Кассалар соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
44-35-91 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

14 ЯНВАРЬ—4 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ
ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ КАТТА ТОМОШАЛАРИ

«МУЗ УСТИДА БАЙРАМ»

янги программаси

ПРОГРАММАДА ҚАТНАШАДИЛАР:
Жаҳон ва Европа биринчиликларининг беш карра кумуш медаль совриндори, Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги СССР спорт мастери

ЛЮДМИЛА СМИРНОВА

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг тўрт карра чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: И. ФИЛИППОВА, Л. ЛИТВИНЕНКО, А. ЯКОВЛЕВ, СССР Кубоги эгаси, СССР спорт мастери А. ПОГОДИН ва бошқалар.
Бош балетмейстер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, балетмейстерларнинг Бутуниттифоқ конкурси лауреати **КОНСТАНТИН РАССАДИН.**
ТОМОШАЛАР: 14, 17, 18, 19, 20, 24, 25, 26, 27, 31 январь, 1, 2, 3 февраль кунлари соат 19.30 да; 15, 21, 22, 28, 29 январь ва 4 февраль кунлари соат 15.00 ва 19.30 да бошланади.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Кассалар ҳар куни соат 14 дан 19.00 гача ишлайди.
Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:
Касса — 46-03-12, 46-70-31;
Администратор — 46-68-77, 46-07-53.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ
41-ЎРТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

сувоқчи-безакчи-плиткачи, қўл пайванди бўйича электр пайвандловчи, қурилиш дурадгори, ёритиш ва кучли тармоқлар ва электр ускуналари бўйича электромонтёрлар, дурадгор; кранларни бошқариш бўйича кран машинистлари, автомобиль ремонти бўйича слесарь. **Ўқиш муддати** — 3 йил; арматурачи-пайвандловчи, сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи—монтажчи, автоматик контроль ва бошқариш приборлари ва аппаратлари бўйича слесарь-монтажчи. **Ўқиш муддати — 2 йил**; қўл пайванди электр пайвандловчиси, кран машинисти. **Ўқиш муддати — бир йил, бир ярим йил.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар бепул овқат, формали кийим-бош, ётоқхона билан таъминланадилар.

Бир йил муддатда таълим олувчи ўқувчиларга стипендия тўланади. Улар шунингдек, ишлаб чиқариш практикасида ишланган маблағнинг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Битирувчиларга ўрта маълумот олгани ва мутахассислиги бўйича малака разряди берилиши ҳақида диплом топширилади.

Билим юрти битирувчилари фақат яхши ва аъло баҳолар олган тақдирда, билим юртини тугатгач олий ўқув юртларига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

«АЛМАЛИКСВИНЕЦСТРОЙ» ВА «АЛМАЛИКГРАДОСТРОЙ» ТРЕСТЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИДА МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ИШ ГАРАНТИЯЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси), турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Олмалиқ шаҳри, Свердлов кўчаси, 3-уй (1, 2, 3, 6, 9, 11 автобуслар; 1, 4 троллейбусларнинг «Комсомол» бекати). Телефонлар: 5-25-86, 5-28-78.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг

РАДИО АЛОҚАСИ ВА СИМЛИ ЭШИТТИРИШ

КОРХОНАСИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ремонт бўйича алоқа электр монтёрлари ва радиолаштирилган линиялар эксплуатацияси бўйича алоқа электр монтёрлари. Меҳнат ҳақи — вақтбай;
радиотрансляцион точкаларини ўрнатиш ва ремонти бўйича алоқа электр монтёрлари. Меҳнат ҳақи — ишбай. Радиолаштирилган линиялар эксплуатацияси бўйича электр монтёрларга окладига 50 процентгача қўшимча ҳақ тўлаш билан кенгайтирилган зоналарга хизмат кўрсатишга рухсат берилади;
симли эшиттириш аппаратуралари эксплуатация бўйича алоқа радио техниклари, ПАЗ—652 автобусларда ишлаш учун шоферлар.
Корхонада мукофотли меҳнат ҳақи жорий этилган.
Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ва Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари қошидаги инспекторларга мурожаат этилсин.

Трикотаж ёшлар модасида

БУГУН ВА ЭРТАГА

Ёшлар модаси — бу костюмларнинг дадил ва мураккаб ҳал этилиши, ўзига хос экспериментидир. Бугунги кунда классик, спорт, романтик, фольклор аввалгидек муҳим аҳамият касб этаётган бўлса ҳам — ёшлар «диффузчасига» деб аталган, яъни бир-бири билан мутаносиблашиб кетган услубни афзал кўришмоқда. Бу услубнинг аҳамияти нимадан иборат? Унинг ўзига хос қатор изланишлари бор: бу бир ансамблда ва ҳатто биргина кўйлакнинг ўзида, бизнинг аввалги тасаввуримиз бўйича муштараклашиб кетмайдиган элементларни бир-бири билан ҳамоҳанглаштириб бирлаштиришдир. Битта комплектнинг ўзида кийим-кечакларнинг барча услублари бир-бири билан мослашиб, оҳанглашиб мужассам бўлиши мумкин.

Масалан, жинс либосларини каштачилик ёки тўр тўқима услубида романтик қилиб тикилган блузка билан, спорт ёки классик услубдаги пиджакни эса тўлқинсимон изли, ўйма гул солинган фольклор услубидаги юбка билан, узун юбка ёки юбка-шимни батник билан кийиш мумкин.

Ҳозирги замон модасининг шиори қуйидагича: «аралаштириш ва бир-бирига хиллаш». Бу шиор, айниқса, трикотаж либосларида жуда қўл келади. Трикотаждан тикилган либослар — жакетлар ва курткалар, жемперлар ва жилетлар, кўйлаклар ва юбкалар, блузкалар ва шимлар — оқилоналик, такомиллашганлик ва башанглик талабларига тўла жавоб беради. Трикотаж буюмларидан иборат этиб тузиладиган ансамблларнинг таркиб топишидаги ижодий фантазия имкониятлари ғоятда чексиздир. Бу вариантлар жуда кўп намуналардан иборат — улар иш ва дам олиш, спорт, театр ва дискотека учун кийиладиган кийимлардир.

Биз аллақачоноқ севиб қолган трикотаж бугунги кунда классик, спорт, романтик услубда тайёрланаётган янги кийим-кечаклар учун ажойиб материал бўлиб қолмоқда.

Бу материалдан тикилган кийимлар кишининг танасини чиройли қоплаб туради ва классик услубдаги костюмларнинг чокларидаги дидлиликни юмшатган бўлади. Манзарали чоклар, фурнитура безаклари трикотаж газламасида, айниқса, жозибали бўлиб кўринади. У романтик услубдаги барча талабни тўла қондиради — яхши чокланади, плиссе, гофре, волан бўлади. Спорт услуби учун эса трикотаж кийимлари айни муддаодир: у ҳаракат пайтида кишини сиқиб қўймайди, ғижимланмайди, енгил ювилади. Спорт услубидаги жунли костюм қиш фаслида сафарда, дам олишда бўлган кишини иссиқ ва башанг тутади.

Сизнинг диққатингизга ҳавола этилаётган суратларда Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқилган ва тикилган трикотаж кийимлари моделларининг бир неча намунаси акс эттирилган. Уларнинг бир қисми — 1984 йилнинг истиқболли моделидир, бошқа қисми эса аллақачон савдога чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси ёшлар учун мўлжаллангандир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/I да **Ишонмасанг** **ўламан**, 7/I да **Тўйдан олдин томоша.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча» Катта Янги йил томошалари** (10.00, 12.30, 15.00, 18.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.



Р 07007 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1516. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12